2009 йил, 11 февраль, чоршанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 29 (11.340) Баҳоси эркин нархда

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Қашқадарё вилоятида ташқи савдо айланмаси ҳажми тобора ортиб бормоқда. Бунда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг экспорт-импорт салоҳияти такомиллашгани муҳим аҳамият касб этяпти. Жумладан, ўтган йили 26 та қўшма корхона ташқи савдо билан шуғулланиб, 11,034 миллион АҚШ доллари миқдорида олди-сотди амаллари бажарилди.**

**• Нукусда «Солиқ билимлари — болаларга» деб номланган кўрик-танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари мазкур тадбирда 4 та номинация бўйича ўз маҳоратларини кўрсатдилар.**

**• «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасида қишки экстремал спорт турлари бўйича ўтказиладиган «Чимён — экстрим —2009» фестивали олдидан тадбир бўлиб ўтди. Тадбир доирасида атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган экологик лойиҳаларнинг тақдимот маросими ҳам ўтказилди.**

**• Навбаҳор туманидаги Шўртепа қишлоғида «Навбаҳор текстил» масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлади. Туркиялик тадбиркорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур корхона бир йилда 6300 тонна пахта толасидан калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга. Қўшма корхонанинг очилиши 80 нафар қишлоқ ёшларининг иш билан таъминланишига имкон яратди.**

**• Алишер Навоий номидаги опера ва балет Катта театрида италиялик мусиқачи ва дирижёр Жан Франко Бортолоттининг ижодий кечаси бўлиб ўтди. Италиянинг юртимиздаги элчихонаси ташаббуси билан ташкил этилган маданий кечада жаҳон мусиқа санъатининг ёрқин намояндалари ижодига дахлдор бетакрор куйлар янгради.**

**• Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти олимлари яратган тебранма тозалаш машинаси саноат синовидан муваффақиятли ўтди. Натижа шуни кўрсатмоқдаки, мазкур қурилма пахта тозалаш заводига ўрнатилса, тола сифатини яхшилаш ва электр энергиясини иқтисод қилиш ҳисобига 25,4 миллион сўм қўшимча фойда олиш имконияти яратилади.**

**• Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш минтақавий дастури доирасида 2008 йилда Учқудуқ туманида 628 та янги иш ўринлари ташкил этилди.**

### ЖАҲОНДА

**• Туркия парламенти денгиз қароқчиларига қарши курашиш мақсадида Сомали атрофларидаги Адан кўрфазига ҳарбий кемаларни юбориш тўғрисидаги ҳукумат қарорини тасдиқлади.**

**• Исроилда муддатидан аввал бўлиб ўтган парламент сайловларининг 98 фоиз овозлари ҳисоб-китоб қилинганидан сўнг, сайловларда мамлакат ташқи ишлар вазири Циппи Ливний бошқараётган «Кадима» партиясининг ғолиб чиққанлиги маълум бўлди.**

**• Мамлакат Президенти Эво Моралеснинг маълум қилишича, Боливия давлати мамлакат энергетика тизимини ўз тасаррufига олади. Режага кўра, мамлакатдаги шу тармоққа оид барча корхона ва компаниялар давлат ихтиёрига ўтади. Бугунги кунда уларнинг аксарият активларига Буюк Британия, Испания ва Франция мамлакатлари компаниялари эгалик қилмоқда.**

**• Кеча жаҳондаги етакчи савдо биржаларида амалга оширилган савдолар натижасида Лондон биржасида бир баррел нефтнинг нархи 44,61 доллар миқёсида қайд этилган бўлса, Нью-Йоркда бу кўрсаткич 39,55 долларни ташкил этди.**

**• Астрономлар бугунги кундаги энг кичик экзосайёрани топишга муваффақ бўлдилар. Қуёшга ўхшаган юлдуз атрофида айланадиган COROT-Exo-7b деб номланган мазкур объектнинг ҳажми Ердан икки баравар кичик. Ушбу сайёра COROT орбитал телескопи ёрдамида топилди.**

**• Япония ҳукумати Интернет тармоғи орқали амалга ошириладиган дори-дармон воситалари савдосини чеклаб қўйиш ниятида. Ҳукуматнинг бундай қарорга келишига шундай йўл орқали сотилаётган фармацевтика маҳсулотларининг қалбаки эмаслиги ва уларнинг хавфсизлигига кафолат йўқлиги сабаб бўлган.**

**• АҚШ пойтахти Вашингтонда «Экологик тоза технологиялар» халқаро автомобил кўргазмаси очилди. Унда Япония, Жанубий Корея, АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларидан 50 га яқин йирик автомобилсозлик компаниялари иштирок этмоқда. Маълумотларга кўра, кўргазмада 700 дан ортиқ янги турдаги автомобил модели намойиш этилади. Кўргазмада асосий эътибор электр ва гибридли двигателларга — экологик тоза машиналарга асосий эътибор қаратилмоқда.**

**• Ингушетия федерал хавфсизлик хизмати ходимлари йирик террористик ҳуружни бартараф этишга муваффақ бўлдилар. Махсус хизмат ходимлари оператив маълумотларни текшириш чоғида Малгобек шаҳридаги ёнилғи қуйиш шохобчаси ёнида иккита қўлбола портловчи мосламани топдилар ва уларни зарарсизлантирдилар.**

## Пойтахтнинг бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

• **2-РЕСПУБЛИКА** тиббиёт коллежида мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг 568 йиллигига бағишланган «Навоийга эҳтиром» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

• **КЕЧА** Тошкент банк коллежида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган адабий кеча «Адиблар мураббийси ва ҳомийси» деб номланди.

• **БУГУН** «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳамкорлигида Тошкент банк коллежи ўқувчилар турар жойида «Эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

• **КЕЧА** пойтахтимизда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси янги биносининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

• **КЕЧА** Чилонзор туман ҳокимлигида солиқ тизимини янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларига бағишлаб Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси ташаббуси билан ўтказилган семинарда солиқ идоралари вакиллари, туман фаоллари иштирок этишди.

• **КЕЧА** Сергели туманидаги 267-мактабда «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгашининг «Интеллектуал олимпиада» лойиҳаси доирасида ўтказилган кўрик-танлов «Сиз қонунни биласизми?» деб номланди.

• **БУГУН** Ҳамза туманидаги 215-мактабда «Турон» ахборот ресурс маркази, Ғафур Ғулом номли маданият уйи ҳамкорликларида «Ғазал мулкининг султони» мавзуида адабий кеча уюштирилди.

• **БУГУН** «Камолот» ЁИҲ Бектемир туман бўлими томонидан «Ниҳол» спорт мажмуасида «Интеллектуал олимпиада» лойиҳаси доирасида шахмат мусобақалари бўлиб ўтди.

*(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).*

**БУГУНГИ КУН ТАЛАБЛАРИГА МОС КЎРКАМ ИНШООТЛАРНИ БУНЁД ЭТИШ БАРОБАРИДА УЛАРНИ ИЧКИ ҲАМДА ТАШҚИ ПАРДОЗЛАШ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛИБ, УНДА ЛОЙИҲАЧИ, МЕЪМОР ҲАМДА ҚУРУВЧИЛАР МАҲОРАТИ МУЖАССАМ БЎЛАДИ. БУ БОРАДА ЭСА УЛАРГА ЗАРУР БЎЛГАН ПАРДОЗЛАШ АШЁЛАРИНИНГ СИФАТИ КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГА.**





*Қўшма корхоналарда*

## ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАР

«EVRO STONE» Ўзбекистон — Австрия қўшма корхонаси Марказий Осиёда агломерат тошидан бадиий безак плиткалари ишлаб чиқарадиган жамоалардан саналиб, у 2004 йилдан буён пойтахтимизда фаолият кўрсатиб келмоқда. Шуни таъкидлаш ўринлики, корхонанинг кичик лабораториясида меҳнат қилаётган малакали мутахассислар хом ашё сифатига алоҳида эътибор қаратиб, маҳсулотнинг бугунги кун талаби асосидаги харидоргир турларини яратишга интилишмоқда. Маҳсулотларнинг ҳажми, ранги буюртмачи талабидан келиб чиққан ҳолда танланади. Корхонада мармар ва гранит кукуни асосида тайёрланаётган маҳсулотлар бино ва иншоотларнинг ташқи ва ички қисмини пардозлашда қўл келадиган энг замонавий қурилиш ашёларидан саналади.



Европа стандартларига мос келадиган мармар ва гранит кўринишидаги 40x40, 60x60 ва катта ҳажмдаги безак плиткалари корхона цехларига ўрнатилган юксак унумли технологик линиялар, яъни Италия давлатидан келтирилган дастгоҳ ва ускуналар асосида тайёрланади. Айни кунларда ушбу линияларда сифатли маҳсулот тайёрлаш учун 15 нафардан зиёд ишчилар тер тўкишмоқда. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар нафақат мамлакатимизда, балки Россия ҳамда Қозоғистон сингари давлатларда ҳам харидорини топган ва асосан у ердаги буюртмачиларга экспорт қилинмоқда. Корхонанинг мазкур давлатларда савдо уйлари фаолияти муваффақиятли йўлга қўйилган.

— Барча имкониятларимизни ҳам ички, ҳам ташқи бозорда ўз ўрнимизга эга бўлишга сарфлаяпмиз, — дейди қўшма корхонанинг ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари Искандар Муртазоев. — Цехларимизга ўрнатилган технологик линияларнинг йиллик қуввати 450 минг метр квадратни ташкил этади. Албатта, изланишларимиз ана шу тўла қувватга эришиш йўлида олиб борилаяпти. Бозорни ўрганиш асосида маҳсулотимизнинг ранг-баранг турларини бунёдкорларга, мебелсозларга ҳам етказиб бериш ниятидамиз. Маҳсулотларимиз муҳташам иморатлар кўркамлигини оширмоқда, бунёдкорларга қўл келмоқда. Бу эса бизни янада муваффақиятларга ундайди. Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизнинг сифати, чиройли кўриниши, меъморчилик анъаналарига мослигини таъминлашга интилаяпмиз. Ҳамкорларимиз билан эса алоқаларимиз мустаҳкамланиб бормоқда.

Шубҳасиз, ташқи бозор хусусида гап кетганда, унинг ўзига яраша талаблари бор. Шунинг учун ҳам корхонада халқаро стандартлар даражасидаги қурилиш ашёлари тайёрлашга эришилмоқдаки, бу экспорт ҳажми ортиб боришида муҳим аҳамиятга эга бўляпти. Ўтган йилда 135871 АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилинганлиги фикримиз далилидир.

Корхонада маҳсулот тайёрланар экан, ҳар бир харидорнинг талаби, диди ва эҳтиёжидан келиб чиқилади. Маҳсулотнинг ҳажми, ранги шунга яраша бўлади. Яна бир жиҳати хусусида тўхталадиган бўлсак корхона плиткалари кўриниши жиҳатдан табиий мармар ва гранит маҳсулотлардан фарқ қилмасада, бирмунча юпқалиги, енгиллиги билан афзалдир. Бу эса уларни транспорт воситаларида ташишда ҳам қулайлик яратади. Пойтахтимизда корхона маҳсулотларининг буюртмачилари сафи ортиб бормоқда. Шунингдек, «12-трест», «159-трест» акциядорлик жамиятлари ҳам асосий буюртмачилар сирасидан бўлиб, бунёдкорлар корхона цехларида замонавий технологиялар асосида сифатли хом ашёдан ишлаб чиқарилаётган плиткаларни муваффақиятли қўллашмоқда.

Жорий йилни тадбиркорлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, экспортни кўпайтириш ва шу асосда қўшимча ишчи ўринлари яратишни ҳам режалаштирган ҳолда бошлашди. Ана шу мақсадни амалга ошириш учун ҳамкорлар билан алоқалар янада мустаҳкамланмоқда.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: Италия технологиясини самарали қўллаган ҳолда тайёрланаётган маҳсулотлар рақобатбардошлиги билан буюртмачиларга манзур бўлмоқда.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

## СОБИҚ АСКАР ҚЎШМА КОРХОНАДА ИШ БОШЛАДИ

***Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ҳарбий хизматчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасида миллий армиямиз сафларида ўз йигитлик бурчини ўтаб қайтган ёшларнинг ижтимоий муҳофазасини ташкил этиш ва уларни иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Вазирликдан маълум қилишларича, ўтган йили маҳаллий ҳокимликлар, тегишли идора ва корхоналар билан ҳамкорликда ўтказилган 1136 бўш иш ўринлари ярмаркасига жалб этилган фуқароларнинг қарийб 148 минг нафари доимий иш билан таъминланган. Уларнинг икки мингдан зиёди армия хизматини ўтаган ёшлардир.

Собиқ аскарларнинг кўпчилиги ҳарбий ва бошқа мутахассисликлар бўйича корхона ва ташкилотларда, тадбиркорлик соҳасида, деҳқон ва фермер хўжаликлари, давлат муассасаларидаги аввалги иш жойларида меҳнат қилмоқда.

2008 йили Қуролли Кучлар резервига бўшатилган 3710 нафар йигит эса мамлакатимиз олий таълим муассасалари талабалари сафига қўшилди. Минг нафарга яқини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ишга кириш учун ҳужжат топширган.

– Вакилларимиз муддатли ҳарбий хизматдан қайтган ҳар бир ёш билан суҳбат ўтказмоқда, – дейди Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Мирхонов. – Уларнинг қизиқиши, эгаллаган касб-ҳунари ва интилиши ўрганилмоқда. Мавжуд бўш иш ўринлари билан таништирилмоқда. Йўл-йўриқ кўрсатилиб, меҳнат қонунчилиги бўйича маслаҳатлар берилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, шаҳримиз бўйича муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган 1200 нафардан ортиқ йигитнинг аксарияти турли идора ва ташкилотлар, ишлаб чиқариш корхоналарига ишга жойлашди. Юз нафарга яқини бошқармамиз қошида ташкил этилган ўқув марказида чилангарлик, пайвандчилик ва дурадгорлик каби касб-ҳунар бўйича ўқимоқда.

Собир Раҳимов туманида яшовчи Зокир Усмонов ўз йигитлик бурчини ўтаб қайтгач, туман бандликка кўмаклашувчи маркази ёрдамида "Ўзкабель" қўшма корхонасига, унинг тенгдоши Фурқат Турсунов эса ушбу туман ободонлаштириш бошқармасига ишга олинди.

– "Ўзкабель"да ишлаш менга жуда маъқул бўлди, – дейди З.Усмонов. – Билмаганларимни ўрганиб, ўз билим ва тажрибамни янада бойитмоқдаман. Муҳими, тайинли иш жойига, доимий даромадга эга бўлдим. Бунда ҳарбий хизматда орттирган тажрибам жуда қўл келаётганидан мамнунман.

**Холмурод САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

**Пойтахтимизда мактабгача таълимнинг сифат ва самарадорлигини оширишнинг илмий-амалий ечимларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда мактабгача таълим масканлари раҳбарлари, услубчилар, дефектолог-педагоглар, мусиқа ўқитувчилари иштирок этди.**

*Умуммиллий дастур — амалда*

## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМГА ЭЪТИБОР

Таъкидланганидек, ёш авлоднинг ҳар томонлама етук ва баркамол шахс сифатида шаклланишида унинг дунёқараши, тафаккурининг ривожи алоҳида ўрин тутади. Бу эса тарбиячи-педагоглардан ўз вазифасига янада масъулият билан ёндашишни талаб этади.

2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига мувофиқ тарбиячи-педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, касб маҳоратини юксалтиришнинг самарали тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда юртимизда 6237 мактабгача таълим муассасаси, жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган таълим-тарбия масканлари, қисқа муддатли тарбиявий-ўқув гуруҳлари фаолият кўрсатмоқда.

Ушбу мактабгача таълим масканларига болаларни кенгроқ жалб этиш, ўғил-қизларни мактабга тайёрлашдек масъулиятли юмушни янада такомиллаштириш давр талабидир. Шу боис мактабгача таълим муассасаларида ўғил-қизларда билим олишга бўлган кўникмаларни ҳосил қилиш, уларни тасвирий санъат, математика, мусиқа, хорижий тиллар каби таълим турларига йўналтириш муҳим аҳамиятга эга. Жисмоний имконияти чекланган болаларга эътиборни кучайтириш, улар учун яратилган шароитни янада яхшилаш долзарб вазифалардандир.

Семинарда мактабгача таълим тизимида илғор педагогик технологияларни жорий этиш, бу жараённинг педагогик, психологик ва бошқа илмий жиҳатлари, новатор педагогларнинг иш тажрибасига оид маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

Тинчлик ва дўстлик рамзи 2200 2009 ТОШКЕНТ

# ЮРТИМНИНГ ЮРАГИСАН, АЗИМ ПОЙТАХТИМ!

## ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТ ОДИМЛАРИ

**ЎТГАН ЎН ЕТТИ ЙИЛ ИЧИДА ЮЗ БЕРГАН КЎЛАМИ КЕНГ ЎЗГАРИШЛАР, БИРИНЧИ НАВБАТДА, МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР – СОҲАНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, САМАРАЛИ ТОВАР БОЗОРЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ, КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚДИР.**





Бу борада, шубҳасиз, пойтахтнинг ўрни алоҳидадир.

**Биринчидан,** республикада ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг салкам 17 фоизи, саноат ишлаб чиқаришининг 15 фоизи, инвестицияларнинг 20 фоизи, савдо айланмасининг 27 фоизи, хизматларнинг 30 фоизи, ташқи савдо айланмасининг қарийб 37 фоизи шаҳар ҳиссасига тўғри келади.

2008 йилда асосий иқтисодий кўрсаткичлар бўйича юқори ўсиш тенденциялари сақланиб, ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати 118,6 фоизни ташкил этди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш — 36,8 фоиз, хизмат кўрсатиш — 24,3 фоиз, иқтисодиётга жалб қилинган инвестициялар — 67,7 фоизга ўсди.

Бундай ўсиш суръатларига асосан хўжалик субъектлари ва аҳоли томонидан ички талабнинг ортиши, корхоналар молиявий имкониятлари барқарорлигининг мустаҳкамланиши, уларда айланма маблағларнинг кўпайиши, шунингдек, аҳоли реал даромадларининг ошиши ижобий таъсир кўрсатмоқда.

**Иккинчидан,** республикада макроиқтисодий қулай муҳитнинг яратилиши шаҳарда ҳам инвестицион жараёнларнинг фаоллашувига туртки бўлди.

2000 йилдан буён ишлаб чиқариш соҳасида хорижий ва маҳаллий инвестициялар ҳисобидан "Электроизолит", "Ройсон электроникс", "Фарм гласс", "Кор-фармсаноат", "Алюбонд", "Алютекс", "Ўзбекистон темир йўллари" ДАКнинг вагон таъмирлаш заводи, "Бектемир-спирт" ва бошқа ўнлаб юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир корхоналар ишга туширилди.

Амалга оширилаётган таркибий ислоҳотлар шаҳарда замонавий ускуналар билан жиҳозланган енгил саноат тизимининг жадал суръатда ривожланишида асосий омил бўлмоқда. Мустақиллик йилларида ташкил этилган "БФ текстайл продакшн", "Байтекс тижарет", "Ташкая текстиль", "Памук текстиль", "Рамель текстиль", "Мурувват текс" каби ўнлаб янги тўқимачилик ва тикувчилик корхоналарининг саноатдаги улуши кескин ортди.

2007 йилда 34 та, 2008 йилда — 30 та инвестицион лойиҳалар асосида йирик ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди.

**Учинчидан,** шаҳарда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, замонавий ва халқаро мезонларга жавоб берадиган бино ва иншоотлар қад кўтарди.

Олий Мажлис Сенати, Ўзбекистон Банклар ассоциацияси, Давлат консерваторияси, Болалар ижодиёт уйи, Миллий санъат галереяси, Ўзкўргазмасавдо, Эски Жува майдонида Миллий либослар галереяси, "Тошкент" халқаро аэропорти, «Шаҳидлар хотираси» мажмуаси, Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудидаги кўргазма павильони, Халқаро Вестминстр университети, Ёшлар ижод саройи шулар жумласидандир.

"Ўзбекистон" ва "Умид" спорт-соғломлаштириш мажмуалари, "Чилонзор буюм бозори" савдо мажмуаси фойдаланишга топширилди, Алишер Навоий ва Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғларида таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Шаҳар аҳолиси ва меҳмонларига соғломлаштириш ва дам олиш хизматларини кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида Бақачўлда Чорвоқ сув омбори бағрида янги, халқаро мезон талабларига тўлиқ жавоб берадиган меҳмонхона мажмуаси барпо этилди.

Шаҳримиз меҳмонларига манфаати йўлида барча меҳмонхоналарда реконструкция ишлари амалга оширилди. "Радиссон САС" янги меҳмонхонаси қуриб фойдаланишга топширилди.

Аҳоли зич яшайдиган ҳудудларни қайта қуриш ва ободонлаштириш мақсадида 2004 йилдан бошлаб пойтахт туманларини ривожлантириш бўйича алоҳида дастурлар амалга оширилаётир. Хусусан, биринчи йили Собир Раҳимов туманида иккита маҳалла маркази, 300 кишини қабул қилиш қувватига эга иккита оилавий поликлиника, 160 ўринли иккита мактабгача таълим муассасаси, 2005 йилда Шайхонтоҳур туманида Фурқат ва Самарқанд Дарбоза кўчаларида иккита ижтимоий мажмуа (маҳалла маркази, оилавий поликлиника, тикув цехи), 2006-2007 йилларда Учтепа туманида Журжоний номидаги ва "Қўрғонтепа" маҳаллалари ҳудудида маҳалла маркази, оилавий поликлиника, тикув цехи ва спорт мажмуаларини ўз ичига олган ижтимоий мажмуалар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Шаҳарда 32,2 км узунликдаги Кичик Ҳалқа йўли барпо этилиб, лойиҳа доирасида 8 та автомобиль кўприги ишга туширилди. Ички транспорт оқимини енгиллаштириш мақсадида Тошкент Ҳалқа йўлининг Янги Сергели кўчасидан Чилонзор буюм бозори ҳудудигача учта транспорт кесимларини қамраган ҳолда янги транспорт магистрали барпо этилди. Пойтахтнинг 2200 йиллигига бағишланган чора-тадбирлар доирасида ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар изчил давом этмоқда.

**Тўртинчидан,** шаҳар корхоналарининг экспорт салоҳияти ҳам изчил ўсиб бормоқда. Бугунги кунда қарийб уч мингта корхона томонидан дунёнинг юздан ортиқ мамлакатлари билан ташқи иқтисодий муносабатлар ўрнатилган. 2008 йилда маҳсулот ва хизматлар экспорти 22,6 фоиз даражасида ортди.

Бугунги кунда шаҳарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг асосий қисми Россия, Германия, Буюк Британия, Швейцария, Жанубий Корея, Хитой, Эрон, Украина ва Қозоғистон давлатларига экспорт қилинмоқда.

2009 йилнинг 1 январь ҳолатига 3160 та хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар рўйхатга олинган бўлиб, бундай корхоналар сони ўтган йилда 153 тага кўпайди. 2008 йилда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми 1,6 маротаба, экспорт ҳажми 1,4 маротаба ўсди.

**Бешинчидан,** хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар натижасида шаҳар бўйича шу соҳада банд бўлганлар улуши 65 фоиздан ортди.

Банк-молия соҳасида янги хизмат турларини жорий қилиш йўли билан омонатчилар сони бир неча баробар кўпайди. Замонавий тўлов воситалари – бир миллиондан зиёд пластик карточкалар ва етти мингга яқин терминаллар жорий қилинди. Маркетинг, суғурта, лизинг хизматлари жадал ривожланаётир.

Алоқа ва телекоммуникация хизмати корхоналарида янги технологиялар ўзлаштирилиб, аҳоли учун қулай хизмат турлари жорий этилди. Хусусан, шаҳар иқтисодиётига жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг деярли 64 фоизи айнан шу соҳада ўзлаштирилди. Телекоммуникация тармоқларида ўрнатилган рақамли ускуналар улуши 100 фоизга етди. Интернет тизимидан фойдаланувчилар сони 1190 минг киши, мобил телефон алоқаси хизмати кўрсатувчи компанияларнинг шаҳар абонентлари — 5 миллиондан ортди.

Шаҳарда йўловчи ташиш транспортини янгилаш борасида 2001 йилда 20 та янги замонавий русумли метро вагонлари, 2003-2004 йилларда 300 та "Мерседес-Бенц" русумли автобуслар, 2000-2006 йиллар мобайнида 146 та "Отайўл" русумли мидибуслар келтирилди. 2007 йилда — 207 та "Исузу" русумли мидибуслар, 10 та "Хундай" минибуслари, 10 та трамвай вагонлари харид қилинди. 2008 йилда - 200 та "Мерседес-Бенц-Конекто Лоу Флур", 279 та "Исузу» автобуслари, 30 та "71-619 КТ" русумли трамвайлар келтирилиб, фойдаланишга йўналтирилди.

Кейинги 7-8 йиллар ичида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари 1,7 баробарга кўпайди.

Охирги йилларда хизмат кўрсатиш тармоқларининг бундай тез суръатлар билан ривожланиши иқтисодий ўсишнинг асосий омили бўлиб, хизматларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улушининг кескин ошишига олиб келди. 2008 йилда бу кўрсаткич 66,6 фоизга тенг бўлди.

**Олтинчидан,** ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши 2008 йил якунларига кўра 50 фоизни ташкил этди.

Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш учун ажратилаётган кредитлар ҳар йили 20-30 фоизга ортиб бормоқда.

Деярли барча тадбиркорлик субъектлари иқтисодиётнинг реал секторида фаолият юритмоқда. Бугунги кунда кичик бизнес субъектлари томонидан озиқ-овқат, тикувчилик ва тўқимачилик маҳсулотлари, қурилиш моллари, кимё ва полимер маҳсулотлар, электротехника, фармацевтика маҳсулотлари, эҳтиёт қисмлар ва бошқа юзлаб турдаги истеъмол моллари ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилган.

**Еттинчидан,** хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан солиқ юкининг камайтирилиши натижасида корхоналар ихтиёрида қолдирилган даромадлар уларнинг айланма маблағларини тўлдиришга йўналтирилиб, молиявий аҳволини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, 2006 йилда юридик шахслардан олинадиган даромад солиқ ставкаси 3 фоизга, жисмоний шахслар даромад солиқ ставкаси 1 фоизга, дивиденд ва фоизлар бўйича даромад солиқ ставкаси 5 фоизга, иш ҳақи фондидан тўланадиган ягона ижтимоий тўлов ставкасининг 6 фоизга камайтирилиши натижасида 87 миллиард сўмдан кўпроқ маблағлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, айланма маблағларни тўлдириш ва ишчи-хизматчилар меҳнатини рағбатлантиришга йўналтирилди. 2007 йилда бу кўрсаткич 65 миллиард сўмдан ошди.

Умуман олганда, 2008 йилда иқтисодий ўсиш натижасида 2000 йилга нисбатан солиқ ва тўловлар тушуми 6,5 маротаба, маҳаллий бюджет даромадлари — 5,9 маротаба ортди.

**Саккизинчидан,** кейинги йилларда шаҳарда уй-жой коммунал хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш масаласига устувор вазифа сифатида катта эътибор берилди. Бу аввало уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида бошқарувни тубдан яхшилаш, уй-жой мулкдорлари мақомини, уларнинг ташкилий ва молиявий мустақиллигини, фаолияти самарадорлигини ошириш, ҳақиқий ўзини-ўзи бошқариш институтларига айлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан изоҳланади.

2008 йил мобайнида 82 та янги ширкат ташкил этилди ва битта уйга хизмат кўрсатаётган ширкатлар сони 841 тага етди. Бугунги кунда ширкатлар сони 2274 тани ташкил этмоқда.

Коммунал хизматлар бозорида рақобат муҳитини шакллантириш, кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини яхшилаш ҳамда йирик уй-жой мулкдорлари ширкатлари негизида кичик ширкатларга фойдаланиш ва пудрат ишларини бажаришга ёрдам кўрсатиш мақсадида 171 та махсуслаштирилган бошқарув компаниялари фаолияти ташкил этилди.

1991 йилгача қурилган кўп қаватли уй-жойларнинг ички муҳандислик-коммуникация тизимини алмаштирган ҳолда мукаммал таъмирлаш ишлари махсус дастур асосида амалга оширилиб, 2007-2008 йилларда 848 та уй-жойлар капитал таъмирдан чиқарилди. Бундан ташқари, қўшимча равишда 1351 та кўп қаватли уйнинг пастки қисмида муҳандислик-коммуникацияларини жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Бугунги кунга қадар кўп қаватли уйларнинг 37391 та кириш йўлаги таъмирланиб, 28497 та темир эшиклар ўрнатилди, 4750,6 минг квадрат метр ҳажмида том қисми тубдан ва жорий таъмирланди, 2220 та болалар майдончалари ташкил этилди. 2006-2008 йиллар мобайнида 1995,2 минг квадрат метр йўллар буткул, 648,3 минг квадрат метр ҳажмида — жорий таъмирланиб, асфальт ётқизилди.

Ўтган йилларда энергия ресурсларини тежаш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Тегишли дастурга асосан уй-жой фондида газни ҳисобга олиш ускуналари билан жиҳозлаш ишлари 2005 йил октябрь давригача якунланиб, 540,9 минг дона ҳисоблагичлар ўрнатилди. 2009 йил 1 январь ҳолатига иссиқ сувни ҳисобга олиш ускуналари 205,4 минг дона, совуқ сув ҳисоблагичлари — 299 минг дона ўрнатилган.

Марказлашган иссиқлик таъминотидан йироқ бўлган кўп қаватли уйлар ва ижтимоий соҳа объектларини ёпиқ иссиқлик таъминоти билан таъминлаш мақсадида локал қозонхоналар қуриш дастури доирасида 2006-2008 йилларда 83 та марказлашмаган (локал) қозонхоналар қуриб битказилди.

Эскирган 309 км иссиқлик қувурлари, 284 та қозонлар янгисига алмаштирилди. Ичимлик суви тармоқларининг 52,8 километри, оқава сув тармоқларининг 44,3 километри алмаштирилди. 192,4 километр газ қувурлари мукаммал таъмирланиб, 45,7 километрга тенг янги тортилган газ қувурлари ишга туширилди.

**Жамшид СУЛАЙМОНҚУЛОВ**

Назм

### ТОШКЕНТИМ

*Тонгда кўчаларга сепилган сувлар,*
*Майин ҳид таратар райҳону гуллар.*
*Нурли зиёсин сочаркан қуёш,*
*Эрта саҳардан кўтаради бош.*

*Кундузи мавж урар анҳорлари,*
*Гавжумдир серфайз бозорлари,*
*Маҳаллалар обод, тўкин дастурхон,*
*Саҳий қалб соҳиби кутади меҳмон.*

*Биллур фавворалар кўзни қувнатар,*
*Хуш наволар янграб дилни яйратар.*
*Баҳорда яшнайди дала-боғлари,*
*Оқшомда ром этар сўлим сойлари.*

*Тафти иссиқ инсонлари юзидек,*
*Шон таратган ўғлонлари ўзидек,*
*Ҳам, фахримсан, ҳам ғururим бош кентим,*
*Доим гулла,яшна обод Тошкентим!*

*Дилфуза ИНОҒОМОВА*

### БАЛАНД БЎЛСИН ИҚБОЛИНГ

*Қанча ўрта, олий илмгоҳлар...*
*Илм-фаннинг булоғи Тошкент!*
*Қанча устоз-аҳли олимлар...*
*Маърифатнинг чароғи Тошкент!*

*Иззат-ҳурмат, тартиб-интизом,*
*Маданият ўчоғи— ўзинг,*
*Осойишта, тинч-тотув мудом—*
*Шундан тўкин, бутун ризқ-рўзинг.*

*Халқ оқими тинмас бағрингда,*
*Уммон сари оққандай дарё,*
*Лол боқаман тонгда бағрингда*
*Сен бузруквор саждагоҳ гўё.*

*Тонг қўйнида сен бир фаришта,*
*Зулматларнинг бағрин доғлаган,*
*Сен дилларга вобаста ришта,*
*Қалбларни ўзингга маҳкам боғлаган.*

*Шонли икки минг икки юз ёшинг*
*Муборак бўлсин, эй, онажон пойтахт!*
*Халқ бахтига доим соғ бўлсин бошинг,*
*Баланд бўлсин иқболинг, мангу яша Шош!*

*Холиқназар ХОЛНИЁЗ*

## ЗАМОНДОШЛАР ФАХРИСАН, ТОШКЕНТ



**ТОШКЕНТ — НАҚАДАР ЖАРАНГДОР, МИЛЛИОНЛАРЧА ВАТАНДОШЛАР ҚАЛБЛАРИ ҚАТИГА АБАДИЙ МУҲРЛАНИБ ҚОЛГАН МЎЪТАБАР, МУҚАДДАС, УЛУҒ КАЛИМА. МУСТАҚИЛЛИК ТУФАЙЛИ ҚИСҚА ДАВР ИЧИДА АСРИЙ ЎЗГАРИШЛАР ЮЗ БЕРГАН ВА БЕРАЁТГАН, ДУНЁДАГИ 2700 ШАҲАР ОРАСИДА УНГА «ИСЛОМ МАДАНИЯТИ МАРКАЗИ» МАҚОМИНИНГ БЕРИЛИШИ, «ШАРҚ ДАРВОЗАСИ» НОМИНИНГ БЕРИЛИШИ ЗАМИРИДА ОЛАМ-ОЛАМ МАЪНО БОР.**

Президентимиз Ислом Каримов «Ўтмишсиз келажак йўқ» деган эди. Дарвоқе, киндик қон тўкилган она заминнинг бой ўтмишини, ёшини аниқлашда жаҳон археологлари тан олган академик олимларимиз Я.Ғуломов, А.Асқаров, У.Исломов, Р.Сулаймоновларнинг хизматлари беқиёс. Улар тепаликларга айланган харобалардан топилган турли даврга оид кўзалар, идиш-товоқлар, буюмлар, тақинчоқлар, тангалар, рўзғор буюмлари, ўсимликлар дунёси, инсон қиёфалари, ёзувларни илмий асосда таҳлил қилиб, академик археологлар: М.Е.Массон, И.И.Веселовский, Г.Т.Смирновлар Самарқанд, Термиз каби шаҳарлар ёшини аниқлагани каби, Тошкентнинг ҳам ёшини аниқлашди ва бу маълумотларни ЮНЕСКО тасдиқлади.

Ҳа, Тошкентимизнинг кундан-кунга, ойдан-ойга гўзаллашиб боришида, осмонўпар зебо бинолари кўркамлиги замирида, унинг асрий тараққиётида элимизнинг бағрикенглиги, 135 миллатнинг метиндай мустаҳкамлигининг натижаси эмасмикан?

Тарих силсилаларида не-не қирғин, вайронагарчиликларни бошидан кечирган бугунги Тошкентимиз ўзаро мустабидлик урушлари, аждодларимизнинг қон тўкиб уни ҳимоя қилганлари, қўзғолонлар, кўчманчи қабилаларнинг дафъатан ҳужумлари натижасида Оқтепа, Мингўрик, Шаҳристон ҳудудларидаги қалъалар вайронага айлантирилишига қарамай матонатли аждодларимиз аввалгидан ҳам кўркамроқ қилиб уларни тиклашиб, ҳунармандчилик, қишлоқ хўжалиги, чорвачиликни ривожлантириб маъмурчиликни барпо этишганидан топилмалар аниқ дарак бериб турибди.

Буюк аллома Абу Райҳон Беруний ва Маҳмуд Қошғарий тарихий асарларидаги маълумотномаларга кўра, XI асрдан бошлаб шаҳримиз Тошкент номи билан аталиб, дунё хариталарида зикр этилган.

Одил, ориф шоҳ, шоир Бобур ўзининг қомусий асари «Бобурнома»да 500 йил аввалги Тошкентни шундай таърифлайди:

«Охир навбат келатургандаким, ул фурсатга Ташканд вилояти Умар Шайх Мирзо тасарруфида эдиким, китобларга «Шош» битурлар, баъзи «Чоч» битурларким, «Камони чочий» андин иборатдир».

Кўриниб турибдики, ас-Самарқандийнинг «Зафарномаси»даги битиклар назарда тутилган. Умар Шайх Мирзогача тарихий-бадиий асарларда баён этилишича, Тошкентдай азим шаҳар ўша давр шаҳарлари орасида гуллаб-яшнаган, унинг кўплаб сирли ҳунармандларининг буюмлари шу бугунги каби рақобатбардош бўлиб, юзлаб туяларда талаб кучли мамлакатларга Муҳаммадсодиқ ибн Муҳаммадсиддиқ каби йирик савдогарлар томонидан етказилган. Ушбу ақлни лол қолдирадиган буюмлару, маҳорат-ла ишланган, номи дунёга кетган камон-ёйлар, ажиб сопол рўзғор буюмлари, камалак рангини эслатувчи матолар, мисдан санъаткорона ясалган асбобларни Ўзбекистон тарихи Давлат музейида кўрганимизда ўтмишга, аждодларимизга бўлган ғурур ҳисси уйғониши табиий. Бундан минг, беш юз йил илгари қурилган Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Тошкентдаги архитектура намуналари-ю савлат тўкиб турган муҳташам бинолар, уларнинг кечагидай умрбоқий, янгидай туриши нафақат хориждан келган миллионлаб меҳмонларни, ҳатто биз аждодлар ворислари ақлини ҳам лол қолдирмоқда.

Дунё шеърият мухлислари қалб қатларини забт этган шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг қомусий асари «Бобурнома»сида нафақат XV асрдаги иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, маданият, балки шаҳарларнинг жойлашув географиясини ҳам яққол тасвирлаб берган: «Маъмуранинг қаторасида воқиъ бўлибдир. Шарқи Фарғона ва Қошғар, Ғарби Бухоро ва Хоразм, Шимоли Тошканд ва Шоҳруҳияким, «Шош» ва «Бинокот» битурлар, Жануби «Балия» ва «Тирмиз» деб атайдилар».

Айрим тарихий маълумотларга қараганда кўҳна Тошкентда 42 та мадраса бўлгани қайд этилган. Улар турли даврларда араблар, мўғуллар ҳокимият учун олиб борилган ички урушларда вайроналарга, култепаларга айланган.

Ниҳоят 1991 йил 1 сентябрь — Мустақилликка юз тутганимиздан сўнг қисқа даврда Ўзбекистонда, унинг шаҳар, қишлоқларида асрий ўзгаришлар юз бердики, уни иқтисодиётда, мулкка янгича муносабатда, тиббиёт муассасалари, боғчалардан тортиб олий ўқув юртларигача замонавий илғор техника воситалари билан жиҳозланганида кўриш қийин эмас.

Ёшлар камолоти, спортга, қурилишга, ободончиликка, ўзини ўзи бошқаришга алоҳида аҳамият берилаётгани боис, Ўзбекистон, унинг пойтахти Тошкент ер курраси мамлакатлари давлатлари раҳбарлари эътиборини оҳанграбодай ўзига тортиб келаётгани бежиз эмас.

Мустақил Ўзбекистон, унинг пойтахти Тошкентнинг бой ўтмиши, тарихи ҳақидаги маълумотлар назарда тутилиб, 2007 йил унга «Ислом маданияти маркази» деб ном берилишига асос бор. Тошкент улуғ алломалар яшаб ижод қилган муқаддас, мўътабар, орифу одиллар, азизу авлиёлар шаҳридир.

Жонажон шаҳримиз Тошкентнинг 2200 йиллиги 135 миллатга мансуб аждодлар ворисларининг тарихий байрами, тарихи бой, бағри кенг, бошида дўппи, белида белбоғли ўзбекнинг қувончидир.

**Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, халқ таълими аълочиси ва фидойиси**

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## ҲИКМАТЛАР

Қалам қоғозни тарк этса, не бўлғай?
Туролмас тикка ул, басим йиқилгай.

* * *

Ўзинг душман ўзингга, ўзга кас йўқ,
Сенга сендин яқинроқ ҳамнафас йўқ.

* * *

Бу хирмон ичра турмас хор ила хас.

* * *

Жаҳонни бир экинзор деса, бордир,
Гаҳи унда хазон, гоҳи баҳордир.

* * *

Севинч борким, унинг ёнида ғам бор,
Вужуд борким, анга хавфи адам бор.

* * *

Киши уд бўйи бирлан хуш эрур, бас,
Вале асли тутун ул, ўзга эрмас.

* * *

Топилмас сенга балки ганж, хазина,
Уни излаб, умрни зое этма.

* * *

Бу бўстон ичра мева кўп эмиш гар,
Қўлингга санчилур юзлаб тиканлар.

* * *

Совут кийдим дея гердайма зинҳор,
Фақат сенмас, баликда ҳам совут бор.

* * *

Агар тож берсалар, фахр этмагил, бас,
Хўроз ҳам тождор, ёлғиз сен эрмас.

* * *

Олов сув ичра тўфонсиз кўринмас,
Шамол ҳам чангу тўзонсиз кўринмас.

* * *

Раводир шул жаҳондин сўзламак кўп,
Ва андин хуш дурур роз изламак кўп.

* * *

Жаҳоннинг шодлигин тут бошинг узра,
Сўзингни пардайи дил ичра асра.

* * *

Фироқсиз вали комил қайда эрмиш?
Тикансиз бир атиргул қайда эрмиш?

* * *

Есам бир луқмани беғам, дегайсен,
Уни ғам чекмайин, қандоқ егайсен?

* * *

Агар оқил эсанг, ақли тўло бўл,
Агар девона бўлсанг, бир йўло бўл.

* * *

Сўзингни пардалаб айт, бўлма безбет,
Хаёл бирлан ўйинни энди тарк эт.

* * *

Адо қил эр бўлиб сен учта одат:
Сукут этгил, сабр айла, қаноат.

* * *

Жаҳонда ишларинг ўнгмасми ё ўнг,
Ўйинлар парданинг ортидадир сўнг.

* * *

Едингми луқма нон қайғу, қадарсиз?
Ва ё нўш айладингми сув заҳарсиз?

* * *

Тарикча ғамга дунё арзимасдир,
Кепакка берсанг, илло, арзимасдир.

* * *

Жаҳонким сийнасўз айлади бизни,
Ширин тушлар билан сийлайди бизни.

* * *

Сеҳрлар кўрсатур андоқ замона,
Киши билмас қўли кетмиш қаёна...

* * *

Гўдак эрмас эсанг боқ олду ортга,
Кўнгилни этма банд беҳуда гапга.

* * *

Не эрмиш бул жаҳон, кўргил билохир,
Не бермиш, қайтариб олгайдир охир.

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади**

# ЁШ МУСИҚАЧИЛАРИМИЗНИНГ ЯПОНИЯДАГИ МУВАФФАҚИЯТИ

**ЯПОНИЯДА «XIII ХАЛҚАРО ГУНМА ЁШЛАР ОРКЕСТРИ ФЕСТИВАЛИ» БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА РОССИЯ, КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ, БРАЗИЛИЯ, ГЕРМАНИЯ, ЯПОНИЯ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.**

Мамлакатимиз номидан мусиқа анжуманида бир неча халқаро мусиқий танловлар совриндорлари — Р. Глиэр номидаги Махсус мусиқий академик лицей 2-босқич талабаси М. Қодиров ва Ўзбекистон Давлат консерваторияси 2-босқич талабаси А. Цукерваник қатнашди.

Фестивалнинг очилиш маросимида Япония парламенти депутати Ю. Коиконинг анжуман иштирокчиларига йўллаган табрик мактуби ўқиб эшиттирилиб, унда ўзбекистонлик санъаткорларнинг маҳорат ва истеъдоди алоҳида таъкидлаб ўтилди. Мактубда, шунингдек, Буюк Ипак йўлининг дурдонаси бўлмиш Ўзбекистон японияликлар орасида ҳамиша улкан қизиқиш ва алоҳида ҳурмат уйғотиб келгани қайд этилди.

Ўзбекистонлик мусиқачиларнинг чиқишлари Гунма префектураси оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Хусусан, «Жёмо Шимбун» газетаси юртдошларимизнинг маҳорат ва истеъдодини юксак баҳолаб, "ўзбекистонлик ёш санъаткорлар томошабинларга мумтоз мусиқа дурдоналарининг жозибасидан баҳра олиш имконини ҳадя этди", — дея таъкидлайди. Маҳаллий телевидение вакиллари эса фестивалга бағишланган махсус дастур тайёрлади. Ундан юртимиз вакилларининг япониялик журналистларга берган интервьюлари ўрин олди. Кўрсатувда мазкур мусиқа байрами Гунма префектураси билан Ўзбекистон ёшлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилиши алоҳида қайд этилди.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Такасаки шаҳри ҳокими Юкио Мацуура XIII Халқаро мусиқа фестивалида ўзбекистонлик мусиқачиларнинг иштирок этиши тарихи Буюк Ипак йўли гуллаб-яшнаган даврларга бориб тақалувчи япон ва ўзбек халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилишини айтиб ўтди. Ўзбекистон ҳукумати томонидан ёш авлод вакилларининг ижодий ва ақлий салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун яратилган шароитларни юқори баҳолар экан, у икки мамлакат ёшлари ўртасидаги дўстлик келгусида янада ривожланиши ва мустаҳкамланишига ишонч билдирди.

Гунма ёшлар оркестрининг бош мусиқий директори Ш. Минами ўзбекистонлик мусиқачилар ҳам ўзбек миллий мусиқаси, ҳам классик асарларни юксак маҳорат билан ижро этганини таъкидлади.

«Мен Ўзбекистонда классик асарларни профессионал даражада ижро этиб, дунёнинг энг нуфузли концерт залларида муваффақият қозона оладиган кўплаб ёш ва истеъдодли мусиқачилар борлигидан хурсанд бўлдим».

Фестиваль доирасида Маэбаши шаҳри Маданият институтида Ўзбекистон ва Япония ёш мусиқачилари иштирокидаги қўшма концерт бўлиб ўтди. Унда ўзбек ва япон халқ қўшиқлари, миллий ва мумтоз мусиқий асарлар ижро этилди.

Концерт доирасида Маэбаши шаҳри Маданият институти талабалари иштирокида атлас матосидан тикилган ўзбек миллий либосларининг намойиши ташкил этилди. Бундан ташқари, тадбир давомида Ўзбекистон тақдимоти ҳамда ўзбек халқ амалий санъати намуналари кўргазмаси бўлиб ўтди.

**«Жаҳон» АА, Токио**

## Спорт янгиликлари

# ФУТБОЛНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

**ТОШКЕНТДА "РЕСПУБЛИКА ЎҚУВЧИ-ЁШЛАР ЎРТАСИДА ФУТБОЛНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УНИНГ ОММАВИЙЛИГИНИ ОШИРИШ" МАВЗУСИДА АНЖУМАН ЎТКАЗИЛДИ. УНДА ФУТБОЛ МАКТАБ ИНТЕРНАТЛАРИНИНГ СОҲА РИВОЖИДАГИ ЎРНИ, МАВЖУД МУАММО ВА КАМЧИЛИКЛАР АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.**

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг манзиллий дастурига кўра йилдан-йилга қад ростлаётган замонавий кўринишдаги кўркам ва қулай спорт мажмуаларининг сони ортиб бормоқда. Олдинлари бундай мажмуаларда болалар саккизта спорт тури билан шуғулланган бўлса, ҳозирда уларнинг сони йигирматадан ошди. Ўсмир ёшларни спортга жалб этиш, айниқса иқтидорли футболчиларни аниқлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг "Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори эса футболни янада ривожлантириш, профессионал клубларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, яшил майдонларни ФИФА талабларига мос мувофиқлаштириш, ўзбек футболининг оммавийлигини оширишда муҳим дастуриламал бўлди.

Бугунги кунда футбол бўйича олий ва биринчи лига жамоалари қаторида ўсмир ёшлар ўртасида кўплаб футбол клублари ҳамда профессионал аёллар жамоалари мавжуд.

– Бизнинг мактаб интернатида тўқсон саккиз фоиз ёшлар чекка қишлоқлардан келиб таҳсил олишади, – деди Наманган вилояти футбол мактаб интернати мураббийи Ҳасанбой Саидбоев.– Уларга олий тоифали мураббийлар таълим-тарбия беришмоқда. Асосий мақсад битта — бу ҳам бўлса келажакда мустақил Ўзбекистонга етук ёш футболчиларни тайёрлаб бериш.

Анжуманда Ўзбекистон футбол федерацияси вакиллари ҳамда Осиё футбол конфедерацияси мутахассислари "Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги Қарор футболни ривожлантириш ҳаракатларини янада жадаллаштирганини алоҳида таъкидлашди. Мазкур қарорда иқтидорли футболчи ёшларни профессионал спортга жалб этиш, янги авлод футболчиларини тарбиялаш, уларнинг маҳоратини ошириш, мураббий ва ҳакамлар фаолиятини яхшилаш, халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда хорижий футбол клублари ва федерациялари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш масалаларига алоҳида урғу берилган.

Тадбирда соҳа мутахассислари мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш борасида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Бир сўз билан айтганда, семинарда кўтарилган долзарб масалалар истеъдодли футболчиларни тарбиялаш ва миллионлар ўйинини янада оммалаштиришга қаратилди.

**Рустам ҲАЙДАРОВ, "Туркистон-пресс"**

# ТОШКЕНТЛИКЛАР ЯРИМ ФИНАЛДА

**ПОЙТАХТИМИЗДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛ ФЕДЕРАЦИЯСИ (ЎФФ) КУБОГИ УЧУН ЎТКАЗИЛАЁТГАН МУСОБАҚАДА ТОШКЕНТНИНГ ИККИ ЖАМОАСИ — "ПАХТАКОР" ҲАМДА "БУНЁДКОР" ФУТБОЛЧИЛАРИ ГУРУҲ УЧРАШУВЛАРИНИ БИРИНЧИ ЎРИНДА ЯКУНЛАБ, ЯРИМ ФИНАЛГА ЙЎЛЛАНМА ОЛДИ.**

Турнирнинг "А" гуруҳидан жой олган "Пахтакор" мураббийлари дастлабки икки учрашувдаги ғалабадан сўнг учинчи беллашувга асосан ёш футболчиларни туширди. Тошкент шаҳри биринчилигида иштирок этадиган "Қорасарой-Истиқлол" жамоаси вакиллари ёш пахтакорчиларга ҳеч қандай қаршилик кўрсатолмади.

Ўйинда устунликка эришган пахтакорчилар ўттиз учинчи дақиқада Егор Кримецнинг аниқ зарбаси эвазига ҳисобни очишди. Иккинчи бўлимда эса Максим Уткин, Абдумуталлиб Абдуллаев, Отабек Саидмуҳаммедов ва Евгений Борисенко "Қорасарой — Истиқлол" жамоаси посбонини ўз дарвозасидан яна тўртта тўп олиб чиқишга мажбур қилди. Рақиб жамоа эса "Пахтакор" дарвозасига биттагина жавоб тўпини киритди.

Мазкур учрашувда 5:1 ҳисобида зафар қучган пахтакорчилар тўққиз очко билан гуруҳда биринчи ўринни эгаллаб, мусобақанинг бош соврини учун курашни давом эттирадиган бўлди.

ЎФФ кубоги мусобақасининг "С" гуруҳи беллашувларида қатнашаётган "Бунёдкор" жамоасининг ўринбосарлар таркиби ҳам юз фоизлик натижа билан ярим финалга чиқди.

Мурод Отажонов шогирдлари учинчи учрашувда биринчи лига вакили — Қаршининг «Динамо-01» жамоаси билан куч синашиб, Дмитрий Кузин, Темурхўжа Абдухолиқов ҳамда Акмал Исроилов томонидан киритилган тўплар эвазига 3:2 ҳисобида зафар қучди.

# ГИЛАМДА ПОЛВОН ҚИЗЛАР

**ПОЙТАХТИМИЗДАГИ "ЖАР" СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУИДА САМБО БЎЙИЧА ХОТИН-ҚИЗЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИДА ЮРТИМИЗНИНГ ЭНГ КУЧЛИ СПОРТЧИЛАРИ ҒОЛИБЛИК УЧУН КУЧ СИНАШДИ.**

Мусобақада ўз вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратган тошкентлик самбочилар — Нилуфар Давлатова, Нодира Алибекова ҳамда Дилноза Қамбарова шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Қолган олтин медаллар қашқадарёлик Дилафрўз Абдураҳимова, Соҳиба Эштемирова, андижонлик Дилдора Убайдуллаева, Гўзал Каримова, хоразмлик Ўғилой Рўзметова, самарқандлик Гулмира Исматовага насиб қилди.

# ТУРНИР ОМАДЛИ БОШЛАНДИ

**ФРАНЦИЯДА ТЕННИС БЎЙИЧА ЭРКАКЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН НАВБАТДАГИ «ФЬЮЧЕРС» ХАЛҚАРО ТУРНИРИНИНГ САРАЛАШ БЕЛЛАШУВЛАРИ БОШЛАНДИ.**

Асосий тўрга бериладиган йўлланмалардан бирини қўлга киритиш учун курашаётган 22 ёшли теннисчимиз Глеб Захаров кетма-кет иккита учрашувда зафар қучди.

Дастлабки баҳсда ҳамюртимизга қарши кортга чиққан нидерландиялик Рой Брюггелинг биринчи сетда 1:6 ҳисобида имкониятни бой бергач, беллашувни давом эттиролмаслигини билдириб, ўзбекистонлик теннисчининг ғалабасини тан олди.

Кейинги беллашувда Глеб Захаров швейцариялик Мэтью Жюнат билан куч синашиб, кескин ва муросасиз курашлар остида ўтган ўйинда рақибини 2:6, 6:3, 7:5 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Энди ҳамюртимиз «Фьючерс»нинг асосий тўр йўлланмаси учун ўтказиладиган ҳал қилувчи учрашувда яна бир швейцариялик теннисчи Дилан Сессагесими билан беллашади.

ТАНИШИНГ:

# ЯНГИ ЧАРМ ТЎП УСТАЛАРИ

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ КУЧЛИ ИККИ ЖАМОАСИ – «БУНЁДКОР» ВА «ПАХТАКОР» ЖОРИЙ МАВСУМДА МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТ ОЛТИН МЕДАЛЛАРИ ВА ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИНИНГ БОШ СОВРИНИ УЧУН КУРАШАДИ. МАВСУМ ОРАЛИҒИДА ҲАР ИККИ ЖАМОА РАҲБАРИЯТИ ТАРКИБНИ ЛЕГИОНЕРЛАР БИЛАН КУЧАЙТИРИШГА ЭЪТИБОР ҚАРАТМОҚДА.**

Ўзбекистон чемпиони — «Бунёдкор» жамоаси ўз сафидаги бразилияликлар — Лиузао ва Ривалдонинг яна икки нафар ҳамюрти билан шартнома имзолади. Жамоанинг расмий сайтидаги маълумотга кўра, янги футболчилардан бирининг тўлиқ исми Жоа Виктор Аль-Букерке Бруно бўлиб, у таянч ярим ҳимоя чизиғида тўп суради. 1988 йилда туғилган иқтидорли футболчи Бразилиянинг "Можи Мирим" клубида тўп сурган. Жоа Виктор ўзининг янги жамоаси сафида "29" рақамда ҳаракат қилади.




"Қалдирғочлар" сафига қўшилган иккинчи бразилиялик футболчи эса ўнг қанот ҳимоя чизиғида ҳаракат қилади. 1986 йилда туғилган ҳужумкор ҳимоячининг тўлиқ исми — Эдсон Рамос Да Силва. У "Бунёдкор"га келгунга қадар Грециянинг «АЕК» клубида ўйнаган. Эдсон Рамос грецияликлар билан Европа Чемпионлар лигаси ва УЕФА кубоги каби нуфузли турнирларда иштирок этиб, катта тажриба тўплаган. Янги футболчи «Бунёдкор» сафида "8" рақамда тўп суриши кутиляпти.

Эслатиб ўтамиз, бразилиялик ҳар икки футболчи "Бунёдкор" билан уч йиллик битим имзолаган.

«Пахтакор» эса асосан Шарқий Европа мамлакатлари футболчиларига қизиқиш билдирмоқда. Бу гал пахтакорчилар сербиялик Боян Миладинивич билан 2+1 кўринишдаги шартнома тузди.

Сербия ва Черногория ёшлар терма жамоаси таркибида Европа вице-чемпиони бўлган Боян Миладинивич футболчилик фаолияти давомида "Црвена Звезда" ва "Напредак" жамоалари шарафини ҳимоя қилган. 1982 йилда таваллуд топган марказий ҳимоячи «Пахтакор»нинг Бирлашган Араб Амирликларида ташкиллаштирилган мавсум олди йиғинида ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Болтиқбўйи мамлакатлари чемпионлари кубоги мусобақасида қатнашиб, мураббийлар ишончини қозонди.



«Пахтакор»нинг янги футболчиси 2000-2004 йиллар оралиғида "Напредак" жамоаси таркибида 56 ўйинда рақиблар дарвозасига ўн битта гол киритган. 2004-2008 йилларда "Црвена Звезда" таркибида йигирмадан зиёд учрашувда майдонга тушган.

**Боҳир БЕК**

**СУРАТЛАРДА «Пахтакор» ва «Бунёдкор»нинг янги ўйинчилари**

## Шахмат ҳангомалари

### ИСМИ УЗУН БЎЛСА...

Турнирдаги ўйиндан бўш кунлардан бирида кубалик жаҳон чемпиони Капабланка меҳмонхонага қоқ ярим тунда қайтади.

— Ким у? — деб сўрайди эшикоғаси уйқусираб.

— Хосе Рауль Капабланка-и- Грауспера.— Ишончлироқ чиқиши учун чемпион исмини тўлиқ айтади.

— Яхши, киринг, — дейди эшикоға тўнғиллаб,— фақат охирги шеригингиз эшикни маҳкамроқ ёпиб қўйсин.

### ТАСЛИМ ЭКАНЛИГИНИ БИЛДИРДИ

1925 йили «Шахмат жазаваси» фильми суратга олинаётганда Капабланка ўттизта тахтада сеанс беради. Чемпионнинг қаршисида кейинчалик сатира театрининг артисти бўлган ёшгина Валентина Токарская ҳам ўтирарди.

Ўқувчилар саройининг чемпиони бўлган қизалоқ жаҳон чемпиони билан кучини синаб кўрмоқчи эди. Аммо бунинг иложи бўлмади. Аёлларга ишқибозлиги билан ҳам машҳур бўлган Капабланка гўзал бу хилқатнинг қаршисига келди-ю бутунлай инон ихтиёрини йўқотиб қўйди. Қизалоқнинг титроқ қўллари билан қилган биринчи юришидан кейиноқ у рақибидан кўз узолмай, шоҳини ёнбошига ағдариб, оҳиста шивирлайди: «Таслимман!».

Капабланка қолган ҳамма партияларни ютади.

### ХОТИРАСИ БИЛАН ҲАЙРАТГА СОЛГАН

Алёхин ноёб хотираси билан ҳам замондошларини хайратга солиб келган. Ўшанда, аниқроғи 1919 йили бўлажак чемпион киностудиялардан бирида ишларди. Ишхонасида ўтирганида бир эркак кириб, ўқув бўлимидан бирортасини чақириб қўйишни сўрайди.

— Мен сизни эшитаман, фуқаро Полуэктов, — дейди Алёхин.

— Биз сиз билан танишмизми?— дейди ҳалиги одам ҳайрон бўлиб.

— Бундан тўрт ой муқаддам,— дейди Алёхин кулимсираб, — сиз Феррейннинг дорихонасида врач Заседателевнинг йўлланмаси бўйича томоғи оғриётган олти ёшли қизингиз Анна учун дори буюртма бердингиз. Мен ўшанда навбатда турувдим ва сизларнинг гапингизни тасодифан эшитиб қолувдим.

Полуэктов ҳангу манг бўлиб қолади.

— Сиз ўшанда четлари суякдан ясалган кўзойнак тақиб олгандингиз, — дея гапида давом этади Алёхин.— Ўнг чўнтагингиздан тимсоҳ терисидан қилинган ҳамёнингизни олиб, ичидан...

Алёхин шу ерга келганда гапини тугатолмай қолди. Кўркиб кетган мижоз кўчага чопиб чиқиб кетганча қайта бу ерда қорасини кўрсатмайди.

Кулгили ҳолат! Аммо орадан бир йил ўтгач, бўлажак чемпион милициянинг бош қидирув бошқармасида ишлаб юрганида унинг хотирасидан азият чекканларнинг кўнглига кулги сиғмаган.

Бир куни Алёхин навбатчининг тутиб келтирилган, ўзини Иван Тихонович Бодров деб атаётган кимса билан гаплашаётганини эшитиб қолади.

— Нима дедингиз? Фамилиянгиз?— дея Алёхин суҳбатга аралашади.

— Бодров, — дейди ҳалиги киши гапини такрорлаб.— Хўш, нима демоқчисиз?

— Сиз Бодров эмас, Орловсиз,— дейди Алёхин масалага аниқлик киритиб.— Иван Тихонович эмас, Иван Тимофеевичсиз.

— Мени тузоққа илинтирмоқчи бўляпсизми? Чучварани хом санабсиз, ўртоқ бошлиқ!

— Бундан икки йил муқаддам, ҳарбий комиссариатда биринчи марта сизни кўрганимда ўзингизни Иван Тимофеевич деб таништирувдингиз,— деди Алёхин. — Кўкрагингизда ингичка оқ занжирга осилган хоч кўриниб турувди. Ундан пастрокда холингиз бор эди.

Жиноятчи худди оёғига тушов солингандек турган жойида қотиб қолди. Навбатчи унинг кўйлагидаги тугмаларни ечганида ҳамма занжирли хоч ва холни кўради. Кўп ўтмай тергов бу одамнинг ҳақиқатан ҳам қамоқдан қочган ашаддий жиноятчи Орлов эканини тасдиқлайди.

Хуллас, буюк шахматчига рўпара бўлган жиноятчининг омади чопмайди.

**Шодмон ОТАБЕК тайёрлади**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**
**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.**
**Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56.**
**Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 03.07.2003 йилда № 2406 тартиб рақами билан қўшма корхона сифатида рўйхатдан ўтиб, 13.08.2008 йилда Қибрай тумани рўйхатга олиш инспекциясидан №1998-П тартиб рақами билан қайта рўйхатдан ўтган «YUNIVERS» масъулияти чекланган жамияти (ИНН 201956093) 2008 йил 29 августдаги № 1 сонли қарорига асосан ўз фаолиятини ихтиёрий тарзда

**ТУГАТАДИ**

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бўйича мурожаатлар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида қуйидаги манзиллар бўйича қабул қилинади: Салар Ш.Ф.Й. «Яланғоч» маҳалласи, Гулистон кўчаси, 1-уй. Телефон: 263-77-70 ҳамда Қибрай тумани ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишг инспекция. Зебунисо кўчаси, 1-уй. Тел: 956-12-18, 289-24-87.

Акциядорлик-тижорат ипотека банки «Ипотека-банк»нинг Шайхонтоҳур филиалига тегишли 38-сон коммунал кассаси ва 22-сон жамғарма кассасининг йўқолган тўртбурчакли штамплари

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 106

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

**Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
**Нашр кўрсаткичи — 563**
ISSN 2010-9229

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**
Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
4512 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 2 6

Топширилган вақти: 12.55